

Инсон тилига эҳтиёт бўлмоғи лозим



14:28 / 28.10.2023 4698

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинада бемор бўлиб, жисми заифлашиб, озғин бўлиб қолган бир кишини зиёрат қилгани бордилар. Кўрган киши уни куни битган деб ўйлар эди.

Унинг аҳволи Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг эътиборларини тортди. Ундан сўрадилар:

- Бирор нарса деб дуо қилганмидинг?

У деди:

- Ҳа, «Аллоҳим! Охиратда берадиган азобингни шу дунёда бергин», деб дуо қилган эдим.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

- Субҳаналлоҳ! Бунга тоқатинг етмайди-ку!

Нега: «Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилиқни бергин, охиратда ҳам яхшилиқни бергин», деб сўрамадинг, - дедилар.

Кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам мазкур дуони ўқиган эдилар, Аллоҳ унга шифо берди.

Инсон тилига эҳтиёт бўлмоғи лозим. Гоҳида Аллоҳнинг раҳматига терс бўлган шартларни қўйиб илтижо қилишади. Улар хатоларини англасинлар

учун Аллоҳ сўраган нарсаларини беради.

Бу саҳобий ҳам охирадаги азобдан қўрққанидан ҳамма азобни шу дунёда бўлишини хоҳлади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга тўғри йўлни кўрсатдилар. Яъни, икки дунёда ҳам нажот топишни сўраш айни бандага хос иш эканини англатдилар.

Бола оғриси, баъзи оналар: «Сен касал бўлгунча мен касал бўлсам бўлмасмиди?!» деб нидо қилади.

Албатта, онанинг бу дуоси остида боласига бўлган меҳр, раҳмат ва шафқат ётади. Аммо бу ақлсиз меҳрдир. Нега энди бунинг ўрнига касалликни фарзандидан ҳам, ўзидан ҳам кетказишни сўрамайди?! Ёки унисини берган Аллоҳ бунисини бермайдими?!

Банда қачон дуоси ижобат бўлишини билмайди. Шунинг учун доимо Аллоҳдан яхшилиқни сўраш лозим.

Болалар уйда тўполон қилганда баъзи оналар қарғаб қолади: «Ҳой балога гирифтор бўлгурлар, жим бўлинглар!»

Бу қарғиш ижобат бўлиб қолса-чи?!

Аллоҳдан фақат яхшилиқни сўраш лозим. У Зотга бирор иш оғир эмас.

Ривоятларда келишича, Юсуф алайҳиссалом Раббларига дуо қилдилар: «Эй Раббим! Қамоқ узайиб кетди!»

Аллоҳ ваҳий қилди: «Эй Юсуф! Сен қамоқни сўрадинг, Биз бердик. Агар офиятни сўраганингда офият берар эдик!»

Воқеа бундай бўлган эди: Юсуф алайҳиссалом зино билан қамоқдан бирини танлаш ихтиёри берилганда: «Эй Раббим! Улар мени чорлаётган нарсдан кўра менга қамоқ маҳбуброқдир», деган эдилар.

Тилни яхши гапга одатлантиринг!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.